ХАЛҚ МАҚОЛ ВА МАТАЛЛАРИНИНГ ЛИНГВОПОЭТИК ТАДҚИҚИ

Ш.Ғ.Тошхўжаева

Мақолада Эркин Аъзам ижодида қўлланган мақол ва маталларнинг лингвопоэтик хусусиятлари ҳақида сўз боради. Бу бирликларнинг фонопоэтик хусусиятлари ҳамда нутқда қўлланиш каби белгилари мисоллар таҳлилида кўрсатилади.

Калит сўзлар: *лингвопоэтика, мақол, матал, афоризмлар, фонопоэтик оҳангдошлик, лингвобадият, образли ифода.*

Объектом анализа в статье являются лингвопоэтические особенности пословиц и поговорок в творчестве Э.Аъзама, фонопоэтические свойства и специфика употребления которых в речи показаны на конкретных примерах из его произведений.

Ключевые слова: *лингвопоэтика, пословица, поговорка, афоризм, фонопоэтическое созвучие, лингвохудожество, образное выражение.*

The given article reveals the linguo-poetic features of proverbs and sayings used in the works of E.A'zam. Phonopoetic features of these units and their specific usage in the speech are shown through examples.

Key words: *linguo-poetics, proverbs and sayings, phonopoetic unison, linguofeature, figurative expression.*

Маълумки, ҳозиргача тилшуносликда мақолларнинг тил ва нутқдаги ўрни ҳақида қатъий бир фикрга келингани йўқ. Шу сабабли мақолларни лексик бирликлар услубиёти билан боғлиқ ишларда фразеологиянинг объекти сифатида [1], синтактик стилистикада, содда ёки қўшма гап синонимияси билан алоқадор ишларда фикрни асослаш учун мисол тариқасида келтириш билан чеканилади [2].

Бадиий адабиётда таъсирчанлик, ифодалиликни ошириш мақсадида мақоллардан кенг ва ўринли фойдаланилади. Ўзбек адабиёти вакилларининг ижодини ўрганиш асносида уларнинг ҳеч бирини халқ оғзаки ижоди намуналаридан, жумладан, мақоллардан айро ҳолда тадқиқ қила олмаймиз. Мақоллардан ижодий тарзда ўринли фойдаланиш асар ғоясини чуқурроқ акс эттиришга ёрдам беради. Шунинг учун мақолларни, уларнинг бадиий асардаги ўрнини ўрганиш, илмий, бадиий ҳамда лисоний нуқтаи назардан тадқиқ этиш борасида ўзбек адабиётшунослиги ва тилшунослигида кўплаб ишлар амалга оширилган.

Мақолларни тўплаш ва тадқиқ этиш борасида катта хизмат қилган Ш.Шомақсудов ва Ш.Шораҳмедовлар бундай ёзадилар: «Доно фикрни, ўткир ҳақиқатни, теран мазмунни, сўз хазинасининг дуру жавоҳирларини ўзида мужассам этган ранг-баранг мақоллар нутқимизнинг экспрессив (яъни, таъсир этувчи, ҳис-ҳаяжон уйғотувчи) воситалари орасида энг таъсирчан, энг эсда қолувчи, кишини ўйлашга, фикр-мулоҳаза юритишга беихтиёр мажбур қилувчи кучга эгадир» [3.7]. Ҳар қандай бадиий асарнинг халқчиллигини, ҳаққонийлигини таъминлашда ҳам мақолларнинг ўрнини алоҳида эътироф этиш лозим. Чунки «мақолда воқеликнинг ўзи эмас, балки воқелик ҳақида халқнинг ҳукми, хулосаси акс этади» [4.41].

Эркин Аъзам асарларида мақол ва маталлар ўзининг беқиёс эмоционал-экспрессив ва лингвопоэтик қимматга эга эканлиги билан бадиий тасвирга алоҳида жило беришга хизмат қилган.

Эркин Аъзам асарларидаги мақолларни қўлланиш хусусиятига кўра қуйидаги гуруҳларга бўлиб ўргандик: 1) таркиби ўзгаришсиз қўлланган мақоллар; 2) айрим қисмлари грамматик шакллар орқали ўзгартирилган мақоллар; 3) айрим қисми маънодош сўз билан алмаштирилган мақоллар; 4) мақолларда айрим лексик ўзгаришларнинг юз бериши.

1.**Таркиби ўзгаришсиз қўлланган мақоллар** шакли ва мазмуни ўзгартирилмаган ҳолда, халқ томонидан қандай яратилган бўлса, шундайлигича асарга олиб кирилган мақоллардир.

Ёзувчи халқ мақолларини айнан келтираркан, бу ҳикматли бирликлар бевосита халқ томонидан яратилгани, фақат унгагина тегишли эканини таъкидлаш ниятида турли изоҳ сўзларни беради: *дейдилар, дейдилар дадам, деган нақл ана шундан, деган нақл бор* каби. М: ***Бировга чоҳ қазисанг – ўзинг тушасан,*** *дейдилар-ку. Мана – тушди*. («Ёзувчи»); ***«Эр киши ер сотмас, ер сотган – эр саналмас»,*** *дейдилар дадам.* («Забаржад»); ***Бировнинг устидан кулма –*** *ўзингнинг ҳам бошингга тушади, деган нақл бор. Бакир боягина шўрлик Алибобонинг ҳолига кулган эди.* («Байрамдан бошқа кунлар»).

Ш.Ғ.Тошхўжаева *– Қўқон ДПИ катта илмий ходим изланувчиси.*

Ўзгаришсиз қўлланган кўплаб мақоллар, асосан, ҳолат ифодасидаги аниқлик, ифодадаги образлиликни кучайтириш мақсадида, фикрнинг холис баёни, айтилмоқчи бўлинган фикрнинг далили сифатида олиб кирилади. М: *Эски орзу сўнмоқ ўрнига, йилдан-йил аланганланиб бораётир. Аммо,* ***нотавон кўнгилга қўтир-жомашов.*** («Пакананинг ошиқ кўнгли»); *Ана шунда хатога кетган экан, буни кеч англади, лекин* ***сўнгги пушаймон – ўзингга душман.*** («Байрамдан бошқа кунлар»); *Фарҳодга бу маслаҳат оғир ботди, «Ҳали ёшман, энди ўттиздан ўтдим, қандоқ бўларкан?» дегиси келди-ю, индамай қўяқолди:* ***танаси бошқа дард билмас.*** («Шовқин»); *Майли, майли,* ***бошга тушганни – кўз кўрар.*** («Ёзувчи»). Ушбу мисолардан кўришимиз мумкинки, кўпинча мақол-гапнинг кесими грамматик (яъни, шахс-сон ва замон) жиҳатдан асосий матнга тўлиқ мослашган, бунда мақоллар ўз мазмунини тўла сақлаган ҳолда матнга тамоман сингишиб кетган. Маълумки, мақоллардаги кесимнинг замони нисбий деб қаралади, уни абсолют умумий замон сифатида талқин этилади. Эркин Аъзамнинг санъаткорлиги ва маҳорати шундаки, у мақолларни матнга олиб кириши натижасида мақолдаги замон нисбий эмас, балки аниқ, матнда намоён бўлган замон билан бир хил замон маъноси ва шаклини олади. Оқибатда мақол ёзувчининг бадиий мақсадига мувофиқ тарзда ҳаракат ва аниқлик касб этади.

2. Айрим қисмлари грамматик шакллар орқали ўзгартирилган мақоллар адиб ижодида ўзига хос лисоний-бадиий ва эстетик қимматга эга. Шу тарз ўзгартириб қўлланган қуйидаги мақоллар таҳлили фикримизни тасдиқлайди: ***Сув келтирган хор – зору, кўза синдирган – азиз*** («Пакананинг ошиқ кўнгли»). Мазкур мақол «Маънолар махзани» [5.323] ва «Ўзбек халқ мақоллари» [6.93]да бир хил «Сув келтирган – хор-зор, кўза синдирган – азиз» шаклида берилган, яъни икки содда гапдан иборат боғловчи воситаларсиз шаклланган ушбу мақол ёзувчи асарида тенг боғловчи вазифасини бажариб келаётган у юкламаси орқали ифодаланган.

Яна: *ростини айтсам – ичимда яна бир одам пайдо бўлиб, мен билан баҳслашади, мени гўр азобига солади; айтмасам – талай вақт ўзимга келолмай, дунёдаги энг пачоқ, ожиз кимсадек хўрланаман; айтмасам – бир неча кун танимда типратикан ўрмалагандек безовтаю беҳузур юраман. Менга қийин, лекин начора?* ***Сут билан киргани жон билан чиқармиш...*** («Отойининг туғилган йили») Ушбу мақолнинг «Маънолар махзани»да «Қон билан киргани – жон билан чиқади»; «Йўргакда теккан касал ўлганда ҳам кетмайди»; «Сут билан кирган мижоз – суяк билан бирга кетар» каби ўнлаб вариантлари келтирилган [5.325]. Ёзувчи «Отойининг туғилган йили» қиссаси қаҳрамони Асқарнинг тузатиб бўлмас, «отасини ҳам танимайдиган шартаки, беандиша» йигитнинг феъл-атворини ёрқин ифодалаш мақсадида ушбу мақолни асар бош қаҳрамони Асқар Шодибек ўғли тилидан айтади. Айни ўринда у *эмиш* тўлиқсиз феълининг қисқарган – миш шаклини феъл-кесим таркибига қўшади ва бу орқали мақол айнан халқникилигини таъкидлаш учун *чиқар* феълининг ўрнига *чиқармиш* феълини қўллайдики, бу билан у асарнинг халқоналигини янада оширишга эришади. Адиб ифодага аниқлик киритиш, асар мазмунини янада таъсирчан, яққол ифодалаш мақсадида синоним мақолларни қатор келтиради, бу билан эса мақол асосида маънони кучайтириб такрорлаш (градация) усулини қўллайди. Масалан, юқоридаги парча аслида мана бундай якунланган: ***Сут билан киргани жон билан чиқармиш,*** яъни ***букрининг давоси – гўр.*** Ижодкор биринчи мақол мазмуниини янада аниқ ифодалаш ниятида *«букрининг давоси - гўр»* мақолини келтиради. Ушбу мақол «Ўзбек халқ мақоллари» китобида «Букрини гўр тузатар» тарзида берилган [3.159]. Мақолда лексик воситаларни ўзгартириш орқали адиб экспрессивликни оширган: *тузатар* феъл-кесими ўрнида *давоси* сўзининг берилиши натижасида матнда қатъий ҳукм (фикр) янграгандай бўлади. Бизнингча, «Шартакилик қиссаси» дея эътироф этилган асар мазмуни, ғоясини очиб беришда ушбу мақолларнинг айни шу тарзда қўлланиши бадиий-эстетик жиҳатдан ютуқлидир.

«Кўрпангга қараб оёқ узат» [5.200] мақоли грамматик шаклларини ўзгартириш билан «Жавоб» қиссаси бош қаҳрамони Элчиевнинг хатти-ҳаракатини ифодалашга ғоят мос кўринишга келтирилган. Мазмунан умумга қаратилган ушбу мақол таркибидаги *кўрпангга* сўзига III шахс бирлик – *си* эгалик ва *узат* феълига III шахс бирлик – *ди* шахс-сон қўшимчалари билан ўзгартирилиши Элчиевнинг ҳаётий принципини кўрсатиб берган: *Элчиев эса, бундай эпкиндан бенасиб, бенасиб эдики,* ***кўрпасига қараб оёқ узатди,*** *бенасиб эканки, мана, узатиб ётибди...*

3. Айрим қисми маънодош сўз билан алмаштирилган мақоллар Э.Аъзам ижодида кам қўлланган бўлса-да уларнинг ҳар бири алоҳида лингвопоэтик қиммат касб этган. Ушбу усулни қўллаганида ижодкор мақолларнинг халқ тилида кенг истеъмолда бўлган вариантини танлайди. Масалан, халқда «оти улуғ – сурпаси қуруқ» мақолига

нисбатан «Номи улуғ – сурпаси қуруқ» мақоли кўп ишлатилади. «Маънолар махзани»да ушбу мақол «Оти улуғ – сурпаси қуруқ» [5.277] тарзида берилади. Э.Аъзамнинг «Пакананинг ошиқ кўнгли» ва «Жавоб» қиссасида *оти* сўзи ўрнида унинг маънодоши *номи* сўзи қўлланиб, асар қаҳрамонлари Пакана ва Элчиевнинг бир хил ҳаракат ва ҳолатини изоҳлаб келади. М: *Даргоҳ мўътабарликка мўътабар эдию, Паканадек сиғиндилар у ёқда турсин, йил сайин келиб турган ёш истеъдодларни ҳам бошпана билан таъминлай олмасди.* ***Номи улуғ – супраси қуруқ.*** («Пакананинг ошиқ кўнгли»); *(Элчиев – Т.Ш.) Республика миқёсидаги дабдабали маҳкамада хизмат қилади, лекин юзларнинг бири, биттагинаси.* ***Номи улуғ – супраси қуруқ*** («Жавоб»).

Маълумки, юз, бет, афт, чеҳра, башара, турқ, ораз каби сўзлар бир синонимик қатор (уя)ни ташкил этади. Ушбу уяда асосий (доминант) юз сўзи бўлиб, у қўлланиш жиҳатидан услубий бетараф ҳисобланади. Адибнинг «Жавоб» қиссасида *«Берганнинг бетига қарама»* [5.33] мақоли ўзгартириб *«Берганнинг юзига қарама»* тарзида берилган. Матнда *бет* синоним сўзи ўрнида доминант (асосий) сўз *юз* қўлланган. Халқ мақолидаги *бет*и сўзининг *юз*и маънодоши билан алмаштирилиб қўлланишини услубий бетараф варианти танлаш нияти билан изоҳлаш мумкин. М: *Қариндош бўлса бўлар! – деб шанғиллади бир бурчакдан Мўминбоев. –* ***Берганнинг юзига қарама****, дейдилар* («Жавоб»).

4. Мақолларда айрим лексик ўзгаришларнинг юз бериши. Мақолларнинг тузилишини ўзгартириб, муайян вазият, ҳолат ва ҳаракатга фавқулоддда мослаб қўллаш ёзувчидан алоҳида эътибор, маҳорат ва масъулиятни талаб этади. Э.Аъзам асарларида ана шундай ўзгартириб қўлланган мақоллар анчагина бор. Ёзувчи асарларида мақоллар тузилишини ўзгартиришнинг бир қанча кўринишларини кузатиш мумкин. Масалан, баъзан мақол таркибидаги у ёки бу сўзни айни ҳолат ифодаси учун экспрессив жиҳатдан кучлироғи билан алмаштирилади. ***«Шамол бўлмаса дарахтнинг учи қимирламайди»*** деган мақолдаги *учи* сўзи *шохи* сўзи билан алмаштирилганда, айни ҳолат ифодаси янада кучаяди, шунинг учун ҳам ижодкорнинг «Жавоб» қиссасида мазкур мақол ана шундай ўзгартирилган ҳолда қўлланган: *«Э, жўра, шунинг гапига қулоқ солиб ўтирасанми, бўлмаган гап!», десанг-ку, олам гулистон эди, бунинг ўрнига эса...» Хотинини мендан рашк қилди», деб овоза тарқатинг. Баҳона тайёр, ҳар ким ўз майлича бичиб-тўқиб олаверсин.* ***Шамол бўлмаса, дарахтнинг шохи қимирламайди*** *йўсинида гаплар бор* («Жавоб»).

Баъзи ҳолларда эса мақол таркибидаги муайян бўлакни тушириб қолдириш орқали ҳам адиб бадиий ифоданинг таъсирчанлигини оширишга эришган. Масалан, *Ҳар ким экканин ўрар мақоли* қуйидаги парчада эга тушириб қолдирилган ҳолда қўлланган, бу билан эганинг контекстуал эллипсисга учраши учун имконият яратилган [7]: *Сиз бор экансиз, авлодингиз бор экан, у пойдор-устувор экан, бу мерос боқий. Гап шунинг сифатида, қандай ривож топишида. Бу эса алалоқибат ўзингизга боғлиқ. Хулоса –* ***экканингизни ўрасиз*** («Жавоб»). Бу мақол халқ орасида кенг тарқалган. Шунинг учун эга қўлланмаганда ҳам, у бемалол идрок этилаверади.

Баъзан мақолнинг бир қисми тушириб қолдирилади ва бу ҳолат асарда лингвопоэтик қиммат касб этади. Масалан, ***Кўза кунида синар,*** *лекин бошдаги соч бир кунда тўкилмас!..* («Пакананинг ошиқ кўнгли») мисолида ***«Кўза кунда синмайди, кунида синади»*** мақолининг иккинчи қисми олинган бўлса***, «Пул қўлнинг кири – ювса кетади», «тенг тенги билан, тезак қопи билан»*** мақоллари иккинчи қисм бадиият мақсади билан тушириб қолдирилган ҳолда қўлланган: *У ҳар қандай* ***пулга қўлнинг кири*** *деб қараган* («Жавоб»); *...амалдор академик билан , академик эса, албатта, бирон бир амалдор билан қуда бўлади-да, - расми шу. Ахир,* ***«Тенг – тенги билан»*** *деган гаплар қаёқдан чиқади бўлмаса?!* («Байрамдан бошқа кунлар»)

Эркин Аъзам асарларининг ўзига хослигини кўрсатиб берувчи, унинг ижодида яққол кўзга ташланувчи хусусиятлардан бири – барча асарларининг киноявий тасвир элементларига бойлиги ҳамда уларнинг асар ғояси ва матнига мос равишда олиб кира олганидадир. Ёзувчи халқ мақолларини қайта ишлаш жараёнида ҳам ушбу воситани ўзига хос усулда ўзгартириб, янги окказионал мақол ярата олган ва матнга мана бундай тарзда олиб кирган: ***Бўрини йўқласанг, боши кўринармиш, тулкини эсласанг, туёғи кўринибди, қуённи қувласанг – қулоғи.*** *Кўринди: қулоғи ҳам, туёғи ҳам* («Шовқин») Ушбу парчадаги *«Бўрини йўқласанг боши кўринармиш»* мақоли «Маънолар махзани» да *«Бўрини йўқласанг боши кўринади»* тарзида берилган [5.65]. Адиб ушбу мақол қолипида фонопоэтик оҳангдошлик асосида «бўрини ... боши», «тулкини ... туёғи» ва «қуённи ... қулоғи» сингари қисмлардан иборат киноявий тарзда янги мақол ясаган ва фақат ўзига хос тил маҳоратини яққол кўрсатиб бера олган.

Юқорида юритилган мулоҳазалар қуйидаги хулосаларга асос бўлади:

1. Эркин Аъзам асарларида ўзгаришсиз қўлланган кўплаб мақоллар, асосан, ҳолат ифодасидаги аниқликни, ифодадаги образлиликни кучайтириш мақсадида матнларга бадиий ниятга мувофиқ, фикрнинг холис баёни, айтилмоқчи бўлинган фикрнинг далили сифатида олиб кирилган.

2. Ёзувчи ўз асарларида маънодошлик ҳодисасидан, яъни ўзбек тилининг синонимик имкониятларидан моҳирлик билан фойдалана олган. Мақолларнинг синонимларини қўллаш натижасида ўринсиз такрорга йўл қўйилмаган.

3. Адиб асарларига халқ мақол ва маталлари лингвопоэтик бўёқлар билан олиб кирилган. Товушларга хос фонопоэтик оҳангдошлик, шеъриятдаги каби ритм, эпик турга хос лингвобадият сингдирилган. Товушларни образли ифодалаш усулларидан фойдаланган. Образли ифодаларнинг ҳар бирида мотив ва мотивацион белгилар ўз ифодасини топган.

4. Ёзувчи томонидан айрим мақол ва ибораларнинг эмоционал-экспрессив бўёқлари кучайтирилган. Халқ мақоллари ва иборалари таъсирида адиб томонидан «кашф этилган» киноялы афоризмлар, ҳикматли сўзлар кўп учрайди. Бундай барқарор бирликлар ёзувчи ижодининг таъсирчанлиги, оҳангдорлиги ҳамда лингвопоэтик жиҳатдан салмоқдорлигининг ошишини таъминлаган.

Адабиётлар:

1. Йўлдошев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тилида фразеологик бирликларнинг функционал-услубий хусусиятлари. Филол.фан.докт. ... дисс.автореф. - Т., 1993.

2. Мамажонов А. Стилистические особенности сложных предложений современного узбекского языка. Автореф. дис. ... докт.. филол.наук..- Т., 1991.

3. Шомақсудов Ш., Шораҳмедов Ш. Ҳикматнома. Ўзбек мақолларининг изоҳли луғати.- Т., 1990.

4. Соатов Б. Мақолнинг жанр табиатига доир // Ўзбек тили ва адабиёти.- 1998. - №6.

5. Шомақсудов Ш., Шораҳмедов Ш. Маънолар махзани. – Т., 2001.

6. Ўзбек халқ мақоллари. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1989.

7. Маҳмудов Н.М. Эллипсис в узбекском языке. Автореф. дис. ...канд. филол.наук. – Т., 1978.

2014 йил 10 сентябрда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. А.Нурмонов)